



# ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10 июнь куни расмий ташриф билан Тожикистонга келди.**

Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди. Аэропорт олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари ва шиорлар билан безатилган. Ўзбекистон раҳбарини кутиб олишда кўплаб ёшлар ва ижодий жамоалар ҳам иштирок этди.

Душанбе шаҳридаги “Қасри Миллат” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди, икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президентлар бир-бирига расмий делегация аъзоларини таништирди. Фахрий

қоровул тантанали марш билан давлат раҳбарлари олдидан ўтди. Шундан сунг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлигининг барча жиҳатларини кўриб чиқдилар, сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий

ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз таклиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки мамлакат муносабатлари юксак даражага кўтарилганини таъкидлади.

— Қабул қилган барча қарорларимиз амалга ошмоқда. Ўтган даврда икки томонлама муносабатларда кўп нарса ўзгарди. Буни рақамлар ҳам айтиб турибди. 2017 йилда товар айирбошлаш 70 миллион доллардан зиёд бўлган аниқ лойиҳа ва шартномалар имзоланди. Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида айтсак, биринчи бор Тожикистонда Ўзбекистон киноси кунлари муваффақиятли ўтди, яқин орада мамлакатларимиз ёшлари Фарғона водийсида учрашади. Бир сўз билан айтганда, тарихий яқинлигимиз бугун ҳаётга кўчмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тожикистон Президенти давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, ушбу ташрифнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди.

— Ўзбекистон бизнинг стратегик шеригимиз ва ишончли қўшимиз. Тожикистон — Ўзбекистон муносабатлари бугун жадал ривожланаётганидан мамнунмиз. Савдо-иқтисодий алоқалар кенгаймоқда. Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатлар мустаҳкамланмоқда. Мамлакатларимиз минтақавий хавфсизлик борасида ўзаро мувофиқлашиб, яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Бугун сиз билан муносабатларимизнинг ҳолати ва истиқболларини ҳамда халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилишга тайёрган, — деб таъкидлади Эмомали Раҳмон.

Қўшма корхоналар сони 8 баробар кўпайиб, бугунги кунда 200 дан ошгани таъкидланди. Жумладан, Душанбе шаҳрида маийши техникалар ишлаб чиқарувчи “Артел Авесто Электроникс” қўшма

корхонаси самарали иш юритмоқда. Ташриф арафасида 30 дан ортиқ шундай лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилги қийин шароитларда ҳам юк ташиш ва транзит ҳажми ошгани қайд этилди. Икки томонлама чегирма ва имтиёзлар тақдим этилмоқда. Пойтахтлар ўртасида авиақатнов тикланди.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки мамлакат ҳудудлари салоҳиятини самарали ишга солиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперациясини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, парламентлараро алоқалар, маданий-гуманитар алмашинув, барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқи ва ўзи номидан биродар Тожикистонни мустақиллигининг бўлажак 30 йиллиги билан табриклади, тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилади.

Давлатимиз раҳбари Президент Эмомали Раҳмонни ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Музокараларда расмий делегациялар аъзолари, икки мамлакат вазирликлари ва йирик компаниялари, чегарадош вилоятлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли биродар мамлакатларнинг муносабатлари тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлиқнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилгани қайд этилди.

— Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан беқиёс ишларни амалга ошириш ва улар ўзаро муносабатларимиз солномасидан ўрин олди, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Томонлар стратегик шерикликни кенгайтиришда қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни қўришга тайёрлигини таъкидладилар.

Давоми 2-бетда

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# ҲАР БИР ФУҚАРО ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Феруза ЭШМАТОВА,  
Олий Мажлиснинг Инсон  
ҳуқуқлари бўйича вакили  
(Омбудсман)**



Ораминда шундай инсонлар борки, уларнинг жисмоний имконияти чекланган, лекин маънавияти юксак, руҳи эса жуда кучли ва матонатли. Афсуски, ногиронлиги бўлган шахслар кўпинча ишлаш, таълим даражасини ошириш ва жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлади. Ҳозирги пайтда уларнинг сони жаҳон миқёсида тахминан 1 миллиард нафарни ташкил этади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги энг катта масъулият давлат зиммасига тушади.

Айтиш керакки, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз томонидан 2009 йил 27 февралда имзоланган, аммо уни ратификация қилиш масаласи ҳал этилмаган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш

тўғрисида”ги фармонида ушбу масала илгари сурилиб, имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, алоҳида қонун қабул қилиш лозимлиги таъкидланган эди. Мазкур йўналишда амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ, 2020 йилда янги таҳрирдаги “Ногиронлиги бўлган қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари белгилаб берилди. Шунингдек, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолияти янада такомиллаштирилди ва имконияти чекланган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга оид қатор масалалар қонун даражасида белгиланди.

Давоми 4-бетда



## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



# Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга расмий ташрифи икки қардош халқнинг яқин ҳамкорлигида янги саҳифа очади ва бутун минтақа манфаатларига хизмат қилади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи тафсилотлари халқаро ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг диққат марказида турибди. Улар икки мамлакат муносабатларининг изчил ривож топаётгани Марказий Осиё минтақасининг Буюк ипак йўлидаги илм-фан, маънавият ва савдо маркази шўҳратини тиклаш ҳамда мустаҳкамлашга ҳисса қўшишини таъкидламоқда.

**Фульвио МАРТУШЕЛЛО,  
Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва  
Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси:**



— Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилди, аниқ амалий мазмун билан тўлдирилди. Биз икки мамлакатнинг минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

**Айдин АСКЕРОВ,  
Марказий Осиё ва Яқин Шарқ  
сиёсий тадқиқотлари Рига халқаро  
институтининг президенти:**



Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифини Тошкентнинг Марказий Осиёдаги минтақалашув жараёнини қучуқлаштиришга бўлган интилишларининг амалдаги ифодаси сифатида кўришмоқда.

— Кейинги йилларда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари изчил ривожланиб, кенг қамровли ва амалий мазмун касб этмоқда. Ўзаро алоқалар кун тартибидан савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари асосий ўрин тутмоқда.

Ригада Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифини Тошкентнинг Марказий Осиёдаги минтақалашув жараёнини қучуқлаштиришга бўлган интилишларининг амалдаги ифодаси сифатида кўришмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг конструктив ҳамкорлиги икки халқнинг узоқ мuddатли манфаатларига мос келади, шунингдек, Марказий Осиёдек кенг минтақада тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва изчил ривожланиш таъминланишидаги муҳим омил ҳисобланади.

Мен Ўзбекистон Президентининг мамлакатнинг сармоявий жозибдорлигини ошириш йўли билан аҳоли фаровонлигини юксалтириш мақсадига йўналтирилган иқтисодий устуворликларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги қатъиятидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг минтақавий интилишлари янада фаоллашишига ишонаман.

Ўзбекистон раҳбарининг Тожикистонга расмий ташрифи давлатлараро ҳамкорлик салоҳиятининг мустаҳкамланишида муҳим қадам бўлиб қолиши баробарида анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро шериклик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилади, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида барқарор тараққиётга кўмаклашади.



**Лорд Муҳаммад ИЛТАФ ШАЙХ,  
Буюк Британия Лордлар  
палатасининг аъзоси:**



— Мен Ўзбекистон ва Тожикистоннинг катта дўстиман, шу боис, икки давлат ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётганидан беҳад мамнунман.

Шубҳасиз, бундай жадал тараққиёт Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақада савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ.

Ўзбекистон етакчисининг Тожикистонга расмий ташрифи икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган конструктив мулоқот ва дўстона алоқалардан далолат беради. Мазкур жараён Ўзбекистон Президентининг 2018 йилда Душанбега амалга оширган тарихий ташрифи чоғида бошланган бўлиб, бунинг самараси ўлароқ, кўпгина ҳужжатлар, жумладан, фуқароларнинг ўзаро ташрифлари тўғрисидаги битим имзоланган ҳар икки томонда истиқомат қиладиган миллионлаб одамларнинг оғирини енгил қилди.

Давоми 2-бетда



# ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Бошланиши 1-бетда

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, sanoat кооперациясини чуқурлаштириш, транспорт соҳасидаги ва ҳудудлар ўртасидаги шерикликни ривожлантириш, энергетика йўналишидаги улкан салоҳиятни самарали ишга солиш, маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев товар айирбошлашдаги ижобий суръатга қарамай, келгуси йилда уни икки баробарга кўпайтириш учун янги “ўсиш нукталари”ни топиш муҳим эканини айтди. Шу мақсадда эркин савдо режимида истисноларни бекор қилиш ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш масалаларини келишишни тез фурсатда яқунлаш муҳим, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, учинчи мамлакатларга биргаликда чиқиш имкониятларини излаш лозим.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мамлакатларимиз ҳудудлари ва етакчи корхоналарининг саноат кооперациясини кенгайтиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

— Муваффақиятли ҳамкорликнинг реал мисоллари ва истиқболга мўлжалланган аниқ режаларимиз бор. Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистон автомобилларини йиғишни ташкил этиш, замонавий трансформаторлар ва қишлоқ хўжалиги ускуналарини ишлаб чиқариш, маиший техника ва қурилиш материаллари, калава ип ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатларимиздаги бошқа қўшма лойиҳаларни тилга олиш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан ташкил этилган қўшма инвестиция компанияси фаолиятини илгор хорижий тажриба асосида самарали йўлга қўйиш ҳамда унинг имкониятларидан лойиҳаларни илгари суришда максимал даражада фойдаланиш зарур.

Транспорт ва транзит ташкиллар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам стратегик йўналишдир. Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шаҳарлар ўртасидаги ҳаво қатновларини кенгайтириш ва автобус қатновларини тиклашни таклиф этди.

Шавкат Мирзиёев икки мамлакат вилоятлари ва туманлари кесимида тўғридан-тўғри тизимли мулоқотни йўлга қўйиш муҳим эканини таъкидлади.

Куни кеча Хатлон вилоятининг Бохтар шаҳрида ўтган биринчи ҳудудлараро форум бундай шаклдаги ҳамкорликнинг самарадорлигини яна бир бор исботлади.

— Масалаларни тезкор ҳал қилиш учун ҳудудлар раҳбарлари изчил “ҳаракатлар режалари”ни келишиб олишлари ва ҳар ой камида бир марта жойларда учрашувлар ўтказиб боришлари лозим, — деб қайд этди давлатимиз раҳбари.



Бошланиши 1-бетда

Икки мамлакат транспорт, чегара делимитацияси ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳаларида асосий масалаларни ҳал қилишда катта қадамлар ташлади. Тошкент ва Душанбе ўртасида ҳаво қатнови тикланди, темир йўл хизмати қайта йўлга қўйилди ва ҳозирги пайтда ўзаро автобус қатновларининг ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, виза режимининг бекор қилиниши ва назорат пунктларининг очилиши фуқароларнинг ўзаро таширфларини кўпайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ва қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат

Икки мамлакатнинг улкан гидроэнергетика салоҳиятидан ва сувдан самарали фойдаланиш масалалари бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар анъанавий фаол гуманитар алмашинувларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатимиз раҳбари дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган қўшма маданий тадбирлар дастурини амалга ошириш, шунингдек, икки мамлакат ёшлари фестивалини ташкил этиш, Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ва тожик адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр этишни таклиф этди.

Музокараларда замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасида, айниқса, Афғонистонда юзага келаётган вазият асосида ҳамкорликни кучайтириш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Афғонистон бўйича тинчлик музокараларини қўллаб-қувватлаш, ушбу мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, уни минтақавий иқтисодий шерикликка фаол жалб этиш тарафдори экани таъкидланди.

Томонлар БМТ, МДХ, ШХТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорликни давом эттириш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини тасдиқладилар.

Президент Эмомалӣ Раҳмон Тожикистон биродар Ўзбекистон билан ҳамкорликда эришилган бугунги юксак даражани қадрлашини, бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Музокаралар чоғида келгуси ишлар учун режалар белгилаб олингани, уларнинг натижалари икки мамлакат стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш учун янги омил бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар яқунлангач, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти ва Тожикистоннинг Хатлон вилоятида барпо этилган ижтимоий объектларнинг расман очилиш маросими бўлиб ўтди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомалӣ Раҳмон рамзий тугмани босиб, уларнинг фаолиятига старт бердилар.

Хатлон вилоятининг Қўбодён туманидаги тиббиёт мажмуаси Ўзбекистон томонидан қурилган. Ушбу 250 ўринли замонавий кўп тармокли шифохона йилига 75 минг нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Мажмуада жарроҳлик, урология, кўз хасталиклари, интенсив даволаш ва реанимация, педиатрия, травматология, гинекология, ҳомиладорлик патологияси, туғруқдан кейинги тикланиш ва терапия бўлимлари мавжуд.

Мажмуа таркибидagi поликлиника бир сменада 300 нафар ва бир йилда 219 минг нафардан зиёд беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Тожикистон томонидан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида умумтаълим мактаби барпо этилди. У 640 нафар ўқувчига мўлжалланган.

Мактабнинг уч қаватли биносиди 26 та синф, спорт зали, фаоллар зали, ошхона, кутубхона, меҳнат дарслари ва ихтисослаштирилган машғулотлар учун синфлар мавжуд. Ўқув маскани компьютер техникаси ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Маросимда икки мамлакат вакиллари сўзга чиқиб, давлат раҳбарларига биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга, фуқароларимиз учун қўлай шароитлар яратишга қаратаётган алоҳида эътибори учун миннатдорлик билдирдилар. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон Қўшма баёнот имзоладилар. Унда эришилган асосий келишувлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида таширф доирасида имзоланган Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисида, саноат ва янги технологиялар соҳасида, тоғ-кон саноатида ҳамкорлик тўғрисида, Зарафшон дарёсиди ГЭС қуриш лойиҳаси бўйича қўшма акциядорлик жамияти ташкил этиш тўғрисида, Юклар транзити тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар учун ер майдонларини ўзаро тақдим этиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш, Фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисидаги битимга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённомалар, икки мамлакат ташқи сиёсий идоралари ўртасидаги ҳамкорлик дастури ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” алмашилди.

Умуман, энергетика, транспорт, автомобилсозлик, электротехника, тоғ-кон ва енгил саноат, фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларни қамраб олган жами 35 та ҳужжат имзоланди.

Ушбу салмокли ҳужжатлар тўплами биродар мамлакат ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада, ҳар томонлама ривожлантириш, кўп қиррали шерикликни чуқурлаштириш йўлида янги натижаларга эришиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингда Шавкат Мирзиёев ва Эмомалӣ Раҳмон музокаралар ҳар доимидек очик, ишончли ва дўстона руҳда ўтганини таъкидладилар.

— Биз муштарак тарих ва маданият, дин, маънавий қадриятлар ва анъаналар билан чамбарчас боғланган халқларимизнинг кўп асрлик дўстлигини жуда қадрлаймиз.

Шу ерда ўтирган оммавий ахборот воситалари вакиллари ва делегациялар аъзолари кейинги бир неча йилда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари тараққиётида рўй берган улкан ўзгаришлар гувоҳидир.

Тожикистон билан яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош ва ўзгармас устувор йўналиши, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча масалаларини диққат билан кўриб чиқдик. Шуни қайд этмоқчиман: ҳеч бир йўналиш эътибордан четда қолмади.

Музокаралар чоғида томонлар янги ўсиш нукталарини белгилаб олдилар, келгуси йилда товар айирбошлашни икки баробар оширишни мақсад қилиб белгиладилар. Етакчилар икки мамлакат ҳудудларининг имкониятларини максимал даражада ишга тушириш, уларни туманлар даражасида “боғлаш”га келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари таширф арафасида ўтказилган Ҳудудлар форуми ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишининг самарали яқунларини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон транспорт ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Музокараларда етакчилар темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида ташкилларни кўпайтириш учун бундан буён ҳам қўлай шароит яратиш тўғрисида келишувга эришдилар.

Президент Эмомалӣ Раҳмон, ўз навбатида, аграр тармок, енгил, озиқ-овқат ва тоғ-кон саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш товар айирбошлашнинг кўпайиши ва янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилишини қайд этди. У таълим ва тиббиёт соҳаларида, коронавирус пандемиясига қарши биргаликда курашишда шериклик кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Бундан ташқари, Президентлар маданият, фан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштиришга келишиб олдилар.

— Биз мамлакатларимизда барпо этилган ҳамда бугун мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва шерикликнинг янги рамзларига айланган тиббиёт маркази ва ўқув муассасаси фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу масалаларнинг барчаси икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлик қилаётган икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг бевоcита назоратида бўлиши қайд этилди.

Президентимиз Тожикистон раҳбарининг 2025 йилни Халқаро музликларни муҳофаза-лаш йили, деб эълон қилиши ва Музликлари асраш халқаро фондини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусларини Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

— Бугунги музокаралар кўп асрлик дўстлик, ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида ниятимиз жиддий ва қатъий эканини яна бир бор намоиш этди, — деди сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев. — Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликда икки биродар халқнинг равнақи йўлида аниқ, сезиларли натижаларга эришишга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги “Дўстий” майдонида Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Сўнг “Кўхи Борбад” санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда Тожикистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Тожикистоннинг юксак мукофоти — I даражали “Зарринтож” ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармони ўқиб эшитирилди. Орденини давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмон тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбари юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, ушбу мукофот катта ҳурмат ва ишонч ифодаси, халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар эътирофи эканини таъкидлади.

Мамлакатларимиз яқин қўшни, халқларимизнинг муқаддас ерию суви, дини бир, тарихи ва тақдири, ташвишу шодликлари муштарак экани қайд этилди.

— Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни ривожлантириб, катта мақсадларимизга эриша оламиз. Биз доим бир-биримизга таянч бўлишимиз, ҳар қандай қийинчилик ва синовларни елкама-елка енгиб ўтишимиз лозим, — деди Ўзбекистон Президенти.

Кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда улкан ўзгаришлар рўй бериб, уларни Ўзбекистон ва Тожикистондаги миллионлаб одамлар ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

— Бу Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг янги модели, янги муҳитида ўз аксини топпоқда. Энг муҳими, барча саъй-ҳаракатларимиз ва амалий ишларимиз халқларимиз манфаатлари ва орзу-интилишларига тўлиқ мосдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз икки мамлакат санъат усталарининг бундай концертлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши анъанга айлангани, санъат халқларни яқинлаштиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Инсонга турли чегаралар ўрнатиш хос бўлса, санъат чегара билмайди, унинг буюк вазифаси — одамларни бирлаштириш. Меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшаш — халқларимизнинг азалий орзуси ва самимий интилишидир. Биз ҳам, икки давлат раҳбарлари — ўртамиздаги чегаралар бизни ажратишга эмас, фақат бирлаштиришга хизмат қилиши учун бундан буён ҳам ҳаракат қиламиз.

Тинчлик ва оқошталлиқни асраш, келажак авлодлар учун мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил тараққиётини таъминлаш — умумий бурчимиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Концерт дастурида истеъдодли санъаткорлар халқларимиз маданиятини бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга, муштараклигини намоиш этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий таширфи давом этмоқда.

ЎЗА

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга расмий таширфи икки қардош халқнинг яқин ҳамкорлигида янги саҳифа очади ва бутун минтақа манфаатларига хизмат қилади

**Элчин Ҳусейнов, “Регион плюс” таҳлилий журнали бош муҳаррирининг ўринбосари (Озарбайжон):**

— Ушбу воқеа Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, шунингдек, минтақалараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

Марказий Осиё минтақасига тинчлик ва фаровонлик тилаган халқаро ҳамжамият ҳам ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамла-нишидан манфаатдор эканига шубҳа йўқ. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега навбатдаги расмий таширфи доира-сида бўлиб ўтган музокаралар яқунлари ва имзоланган ҳужжатлар ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Томонларнинг иқтисодий, сармоявий, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришга бўлган интилишига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Қарийб бир мил-



лиард долларлик икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланиши, устав жамғармаси 50 миллион долларга тенг Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция фондининг тузилиши ва олий даражада эришилган келишувлар икки мамлакат иқтисодиё-тини янги босқичга олиб чиқишга ёрдам беради.


**Софи Ибботсон, Жаҳон банкининг Тожикистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси, Ўзбекистоннинг туризм элчиси:**

— Ўзбекистон билан Тожикистон — икки қардош мамлакат. Ҳар икки мамлакатнинг тақдири ва тараққиёт йўли бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса умумий ҳаётий тажриба, қадрият ва маданиятлар муштараклигини англатади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега таширфи икки биродар халқ ўртасидаги яқин ҳамкорлигини янги саҳифасини очиб берди. Бу нафақат икки давлат фуқаролари, балки бутун минтақа аҳолиси манфаатларига бирдек хизмат қилади.

Ҳамкорлик ривожланиши, унинг миқёси кенгайиши барқарорлик ва хавфсизликни кучайтириш баробарида, иқтисодий тараққиёт ва маданиятлараро алоқаларнинг чуқурлашувига ҳам олиб келади. Бундан ташқари, икки мамлакатга ўзаро муносабатлардаги қатор долзарб масалаларни самарали ҳал этиш, хусусан, иқлим ўзгариши оқибатларига қарши биргаликда курашиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистоннинг туризм элчиси сифатида мен икки мамлакат ўртасидаги сайёҳлар оқимининг орттишига



алоҳида умид билан қарамокдаман. Пандемия билан боғлиқ чекловлар олиб ташланиб, икки мамлакат ўртасидаги чегараларнинг очилиши билан ҳар икки давлат ҳудудида ҳамкорликда сайёҳлик дастурларини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

“Дунё” АА

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ДЕПУТАТИ САФАР ОСТОНОВ



Ўзбекистон матбуоти оғир жудолликка учради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты, "Ўзбекистон овози" — "Голос Ўзбекистана" газеталарининг бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов шу йил 9 июнь куни 73 ёшида вафот этди.

Сафар Остонов 1948 йилда Самарқанд вилоятида туғилди.

1972 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни журналистика мутахассислиги бўйича тамомлади.

Ижодий фаолиятини 1971 йили ҳозирги "Ёшлар овози" газетасида бошлаб, турли лавозимларда ишлади. 1990-1996 йилларда "Спорт" ва "Ўзбекистон футбол" газеталари бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди.

1996-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифаларда хизмат қилиб, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, соҳани замон талаблари асосида ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этди.

Таниқли журналист 2002 йилдан умрининг охирига қадар "Ўзбекистон овози" — "Голос Ўзбекистана"

газеталарининг бош муҳаррири лавозимида самарали меҳнат қилди.

С.Остонов мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, кенг қўлмалли ислохотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказиш, миллий қадриятларни тарғиб этиш, ахборот соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

2020 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты сифатида самарали фаолият юритиб, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзининг бой билим ва тажрибасини ёрқин намойён этди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда олиб борилаётган халқ билан бевосита мулоқот қилиш асосида жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, оммавий ахборот воситаларининг ҳар томонлама ривожлантириш борасида, айниқса, жонбозлик кўрсатди.

Маҳоратли журналист Сафар Остонов иқтимоий ҳаётдаги қўллаб-қўлловчи ва кескин муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларни ҳолис ва ҳаққоний ёритадиган, фаол гражданлик позицияси, ватанпарварлиги билан кенг жамоатчилик ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонган ўтқир қалам соҳибиди эди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоси сифатида у ўнлаб истеъдодли ёшларга журналистика соҳасининг сир-асрорларини ўргатиб, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш учун ўзини аямасдан, бегараз хизмат қиладиган меҳрибон ва талабчан устоз сифатида танилган эди.

Ўзбек матбуотининг кўзга кўринган намоёнасиди, таниқли жамоат арбоби Сафар Остоновнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Истеъдодли публицист, камтарин ва самимий инсон Сафар Остоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси

## МУНОСАБАТ

# ИККИ ДАВЛАТ ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Шавкат ЖАЛОЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати аъзоси

Давлатимиз раҳбарининг қўшни Тожикистон Республикасида ташрифи давом этмокда. Ташриф давомида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали шерикликнинг янги "ўсиш нукталари"ни белгилаш ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ лойиҳаларни илгари суришга эътибор қаратилди.

Бугун Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати мамлакатларимиз тарихида янги саҳифа очди. Икки давлат муносабатлари янада кучайиб, қисқа муддатда мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан икки давлат ўртасидаги божхона ва

чегара масалалари ижобий ечим топди. Ўзаро туризм оқими йил сайин ўсиши кузатилди. Фуқароларимизнинг яқинларини кўриш армони ва орзулари ушалди. Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги азалий яқин қариндошлик ва қардошлик ришталари тикланди.

Жумладан, бугун Самарқанд вилоятида барча миллиятлар қатори тожиклар ҳам тинч-тотув ва иноқ ҳаёт кечираётгани икки тилда сўзлашувчи бир халқнинг азалдан бир тану бир жон эканини аңлатади.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда тобора кўсалиб бораётганини, хусусан, парламентлараро алоқалар ҳам ривожланаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Тожикистон Республикаси Мажлиси Олий Мажлиси Миллий билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи тузилган. Парламент делегациялари алмашувини доимий йўлга қўйиш, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти юзасидан ўзаро тажриба алмашиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ва Тожикистонда ташкил қилинадиган халқаро анжуманлар ҳамда форумларда икки мамлакат парламентларининг иштирокини таъминлаш ҳам парламентлараро ҳамкорликнинг муҳим йўналиши саналади. Биргаликдаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида парламентлараро ҳамкорликнинг доимий амал қилувчи механизмини йўлга қўйиш мумкин.

Истиқболда парламентлараро ҳамкорлик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, инвестициявий ва технологик, маданий-гуманитар, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларда эришилган келишув ва битимларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг ижобий тус олиши бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшади.

## Иқтисодиёт

### ФАРМОНГА ШАРҲ



# БАРЧА УЧУН ТЕНГ, ШАФФОФ ВА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ТАРТИБ ЁХУД ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲИМ ЕР ИСЛОҲОТЛАРИ БОШЛАНДИ

Ердан унумли фойдаланиш ҳар бир соҳа учун муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажминини кўпайтириш, ернинг иқтисодий қийматини тўғри баҳолаш ва уни ҳақиқий эгаси — халққа бериш турмушимиз фаровонлигининг асосий мезони.

Бу жараёнда аҳолини иш, даромад билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, ерга муносабатда яна бир ҳуқуқий асос, адолатли ёндашувлар юзага келмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 8 июндаги "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофлиқни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони аҳоли фаровонлигига дахлдор бир қанча долзарб масалалар ечимини қамраб олгани билан аҳамиятлilдир.

Қайд этиш жоизки, юртимизда ерни бозор активига айлантириш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш бўйича ишларни жадаллаштиришга, ер ажратиш, ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур фармон билан айна масалада янги ўз-

корларга сотиладиган бўляпти. Бу эса бозор иқтисодиётининг асосий қондаларидандир.

Фармонга мувофиқ, ерга бўлган ҳуқуқ турлари 6 тадан 3 тага қисқартирилди. 2021 йил 1 августдан бошлаб ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат ташиклотларига — доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади. Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади. Шу билан бирга, ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган қўчмас мулк объектига мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар очик электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади

### Ерни бир фуқародан олиб, бошқа шахсга топшириш амалиёти бекор қилинади

Эндиликда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилади, айна бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

— Фармонга асосан, ер участкасини битта фуқародан олиб, бошқа бир фуқарога топшириш амалиёти бекор қилинмоқда, — дейди Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Отабек Аллаберганов. — Мазкур масалалар амалда жуда кўп низоли ҳолатларни келтириб чиқараётганди. Бунинг асосий сабаби ер эгасининг ҳуқуқлари қафолатланмаганида эди. Бу каби муаммолар эндиликда барҳам топади. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига доир барча қарорлари, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказиш "Е-қоғо" ягона электрон тизими орқали амалга оширилади. Тизим кадастр органларининг ахборот тизими билан интеграция қилинади. Бу эса ажратиладиган ерларнинг аниқ чегараларини белгилаш, битта ер участкаси бир вақтнинг ўзида иккита одамга берилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, кўп квартиралли уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартиралли уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

Шунингдек, кўп квартиралли уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартиралли уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

### Ижарага бериш тартиби қандай бўлади?

Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 августдан бошлаб, истисно тариқасида, қуйидаги ҳолларда ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришга ҳақли: қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба-синовлар амалга ошириш учун давлат илмий тадқиқот ва таълим муассасаларига, агросаноат кластерларига — ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридидаги пул маблағи депозитга қўйилганда;

энг яхши таклифни танлаш орқали аниқланадиган, қиймати камиди 10 миллион АҚШ доллари эквивалентидида бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун — лойиҳа қийматининг камиди 10 фоизига тенг маблағ аввалдан махсус ҳисобрақамга жойлаштирилганда;



гаришларга замин яратилди, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мулквий ва ҳуқуқий асослар белгилаб берилди.

### Ерга хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган қондалар белгиланди



— Ерга нисбатан мулквий ҳуқуқлар бутун дунёда жамият иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларидан ҳисобланади, — дейди адлия вазирининг ўринбосари Акбар Тошқулов. — Шу нуктага назардан олиб қарайдиган бўлсак, юртимизда ҳам ер муносабатларини тартибга солиш бўйича қабул қилинган мазкур ҳужжат муҳим тарихий аҳамиятга эга. Шу кунгача тадбиркорлар ўз фаолиятини юритаётганида ерга нисбатан мулквий ҳуқуқи қафолатланмагани сабаб кўплаб муаммоларга дуч келаётган эди. Эндиликда мазкур фармон билан ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча қондалар белгиланди. Ер хусусий мулк сифатида фуқароларга, тадбир-



чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташиклотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — ижарага олиш ҳуқуқини олганлик учун бозор қийматидида ҳақ тўлаган ҳолда.

Қонунчилик ҳужжатларида ушбу фармонда белгиланганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар 2021 йил 1 августдан тўлиқ бекор қилинади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқача тарзда имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиш тақиқланади.

Алоҳида иқтимоий ҳимоя қилинадиган шахсларга, шунингдек, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган шахсларга ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали сотиб олиш харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаб бериш тартиби ишлаб чиқилади.

### Туман ва шаҳар ҳокимлари ер ажратмайди

Яна бир муҳим жиҳат — туман, шаҳар ҳокимларининг ер муносабатларини тартибга солиш бўйича барча ваколатлари бекор қилинади. Улар фақат қишлоқ хўжалиги бўйича ер ижара шартномасини имзолашда иштирок этади. Бу ҳам электрон танлов натижасига кўра амалга оширилади. Қолган ҳолатларда туман, шаҳар ҳокимлари ерни олиб қўйиш, бошқа шахсга бириктириб ёки кимгадир вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан бериши тақиқланади.

Фармон билан "Ер тўғрисида"ги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашлар ташкил этилади. Улар зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

— Кенгашларнинг асосий вазифаси ерга оид қонунчилик ҳужжатларини қўллашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, жумладан, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат, — дейди Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Муродилла Абдуҳақимов. — Шунингдек, кенгаш ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини бевосита таъминлаш ва давлат назоратини олиб боришга масъул давлат органларининг соҳага доир фаолиятини ўрганиб, мувофиқлаштириб бориш, тегишлича ушбу органлар, уларнинг қўйи тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш ва бартараф этиш чораларини кўради.

Мазкур ҳужжат билан ерга бўлган мулквий ва ва ҳуқуқий асосларни назарда тутувчи кўплаб ўзгаришлар киритилмоқда. Бунинг натижасида ер ресурсларини талон-тарож қилиш, ўзбошимчилик билан эгаллаш, ноқонуний сотиш ҳолатлари кескин камаюяди. Ноқонуний ва қишлоқ хўжалиги ерларини ажратишнинг барча учун бир хил ва шаффоф тартиби жорий этилади. Ерни бозор активига айлантириш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш имконияти пайдо бўлади ҳамда ер ажратиш тартиби ягона ҳужжат — Ер кодексидида белгиланади, ер ажратишга доир бошқа барча қондалар бекор қилинади.

Бир сўз билан айтганда, мутахассислар томонидан тарихий аҳамиятга эга деё баҳоланаётган ушбу фармон ер муносабатларининг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этишга ҳамда ерга оид мулквий ва ҳуқуқий масалаларда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири  
Л. ХАЙРУЛЛАЕВ тайёрлади.



## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



# ҲАР БИР ФУҚАРО ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛСА, ЖАМИЯТ МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Қайд этиш лозимки, Президентимизнинг 2021 йил 22 февралда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида сўзлаган нутқида имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифи билдирилган ва Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланган эди.

Давлатимиз раҳбарининг халқаро ташаббуси доирасида Ўзбекистон Парламенти томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди. Мазкур конвенция ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширилишини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. У мавжуд шароитлардан фойдаланиш имконияти, мустақил ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек, тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликнинг ҳам миллий, ҳам халқаро асослари мавжуд. Галдаги долзарб масала — ушбу нормаларда белгиланган вазифаларнинг самарали ижро этилишидан иборат.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) манзилига ҳам ногиронлиги бўлган шахслар томонидан кўплаб murojaatlari келиб тушди ва улар шахсан Омбудсман назоратига олинди. 2020 йилги murojaatlari таҳлили шунини кўрсатадики, имконияти чекланган шахслар кўпинча ногиронлигини белгилашда ортқича оворагарчилик ва сарф-харажатларни келтириб чи-

қарувчи омилларнинг мавжудлигидан, иш топишда тўсиқлар борлигидан норози бўлиб murojaat қилган. Қолаверса, уй-жой ажратишдаги имтиёزلардан фойдаланиш ва махсус аравача, протез ва бошқа воситаларнинг бепул ажратилиши учун кўмак сўралган.

Алоҳида қайд этиш керакки, бу каби масалалар жорий йил кучга кирган Ўзбекистон Республикаси "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонуни билан ўз ечимини топиши белгиланган. Унга кўра, тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари фаолияти янада такомиллаштирилиб, текширувдан ўтказиш тиббий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан 10 кун ичида бепул амалга оширилади.

Шунингдек, имконияти чекланганларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қатор масалалар ҳам қонун даражасида белгиланди. Ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт иншоотлари, дам олиш, туристик объектлардан бепул фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши, уларга бепул тиббий ёрдам кўрсатишнинг давлат кафолатлари дастури доирасида тегишли чоралар кўриши, ногиронлиги бўлган шахсларни санатория-курортда бепул соғломлаштириш, шунингдек, дори воситалари, парвариш учун мўлжалланган тиббий буюмлар ва ногиронлиги бўлган болалар учун махсус шифобахш озқовқат маҳсулотлари билан таъминланиш ҳуқуқи шулар жумласидан.

Қолаверса, ногиронлиги бўлган болаларнинг бепул умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва профессионал таълим олишини қонун билан кафолатлаш, бунда имконияти чекланган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида абитуриентларни қабул қилиш умумий сонининг 2 фоиз миқдориди қўшимча қабул квотаси ажратилиши ва бошқа шу каби қатор имтиёزلар ва ҳуқуқлар белгиланган.



Энг муҳими, қонуннинг 6-моддасида ногиронлик белгисига кўра, камситилишга йўл қўймаслик тамойили акс эттирилган. Унга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал қўриш ҳолатлари, шунингдек, уларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш тақиқланади.

Ушбу норманинг нозик бир жиҳати борки, бу тегишли давлат ташкилотлари ва ҳокимиятларга бир қатор вазифаларни юклайди. Бу —ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий объектларда ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракат қилиши учун шарт-шароитларни яратиш. Тўғри, шу кунга қадар ҳам бино ва иншоотлар, йўлақлар, транспорт воситаларининг маълум бир қисмигина ногиронларнинг эркин ҳаракатланиши учун мослаштирилди, лекин бу етарли эмас. Бундан

бўён ногиронларни ҳеч бир шаклда камситилишга йўл қўймаслик учун қўлай муҳитни таъминлашнинг аниқ механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Имконияти чекланган шахслар ҳар қандай ижтимоий объектлардан ва хизматлардан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдалана олиши шарт. Шу билан бирга, уларни таълим билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида инклюзив таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмларини қайта қўриб чиқиш лозим.

Бу борада нафақат давлат тузилмаларининг, балки фуқаролик жамияти институтларининг ҳам фаоллиги талаб этилади. Хусусан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилган шароитларни яратиш бўйича барча нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлашга тайёр.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Омбудсман билан Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, унинг доирасида ногиронлиги бўлган шахсларга тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиши учун кўмаклашиш, меҳнатга жалб этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ҳамкорликда ишланмоқда. Бу борадаги амалий ишларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш давр талабига айланди. Шу жиҳатдан Омбудсман институти томонидан мамлакатимизда фаолият юритаётган 600 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда жойларда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонуни мазмун-моҳиятини тушунтириш, имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан биргаликда

мазкур ҳужжатнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Шуниси эътиборлики, БМТга аъзо давлатлар дастлабки миллий маърузани Конвенция ратификация қилинганидан сўнг 2 йил ичида, кейинчалик ҳар 4 йилда бир марта тақдим этиши белгиланган. Демак, жаҳон ҳамжамиятига бу борада дастлабки ҳисоботни тақдим этишимизга вақт етарли. Агар шу муддат мобайнида барчамиз бирлашган ҳолда ҳаракат қилсак, ногиронларнинг нафақат пойтахт, балки республика бўйлаб муносиб яшаши, ўқиши, меҳнат қилиши, даволаниши ва дам олиши учун мослаштирилган шароитлар яратилишига эриша оламиз. Демак, шу заминда яшашга ҳар бир инсон, ҳаттоки жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамай ҳаётидан рози бўлиши учун ҳаракат қилсак, шу саёй-ҳаракатларимиз натижасидан бутун жамиятимиз баҳраманд бўлади.



## АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИККА ЭРИШИШ СТРАТЕГИЯСИ

## мамлакат равнақи йўлида қабул қилинган тарихий ҳужжат



**Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси**

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан гендер тенгликни таъминлашга қаратилаётган устувор эътибор натижасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оилада ва жамиятда мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар халқаро миқёсда муносиб эътироф этилаётгани барчамизга гўрур ва ифтихор бағишлайди.

Хусусан, куни кеча Парламентлараро иттифок расмий веб-саҳифаси 2021 йил учун "Сиёсатда аёллар" инфографикасини эълон қилди. Унда аёлларнинг турли мамлакатлар парламентлари ва ҳукуматларида вакилликка оид статистика маълумотлари келтирилган. Ушбу кўрсаткич бўйича

Ўзбекистон дунёда 45-ўринни эгаллаб турибди. Республикаимиз шу маънода ПИ (Парламентлараро иттифок)га аъзо 130 дан ортқ давлат, жумладан, Германия, Австралия, Канада, АҚШ, Марказий Осиё мамлакатларидан ўзиб кетди.

Бундан ташқари, республикаимиз аёллар парламентга раҳбарлик қиладиган ва ҳукумат таркибига кирадиган давлатлар рўйхатида киритилган. Қайд этиш керакки, хорижий ҳамкорлар Сенат Раиси Танзила Норбоева раҳбарлик қилаётган Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия фаолиятини юқори баҳоламоқда. Албатта, бу ютуқлар юртимизда инсон манфаатларини муҳофазалаш, очик фуқаролик жамияти, демократик давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг ўзига хос натижасидир.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам гендер тенглик масалаларида муайян натижаларга эришилмоқда. Шунга қарамай, дунё миқёсида баъзан аёлларнинг иш топиши, ўз бизнесини очилиши ва иқтисодий қарорлар қабул қилиши биров қийинроқ кечиши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бу эса нафақат уларнинг оила-лари, балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам салбий оқибатларга олиб келади.

Жаҳон банкнинг 2019 йили эълон қилинган "Аёллар, бизнес ва ҳуқуқ" ҳисоботида қайд этилган бу ҳақиқат бугунги пандемия даврида янада долзарблик касб этмоқда. Демак, гендер тенглик шунчаки аёллар манфаатига хизмат қиладиган омил эмас, балки бутун мамлакат, таъбир жоиз бўлса, жамият манфаатдор бўлган масала.

Шу ўринда халқаро таърибадан бир мисол келтирайлик. Bloomberg агентлиги яқинда эълон қилган тадқиқотга кўра, шу пайтгача хотин-қизлар сегрегацияси энг кучли ҳисобланган Саудия Арабистониди ишлаётган аёллар сони барқарор ортиб бормоқда. Шуниси эътиборлики, Саудия Арабистониди ишсиз аёлларнинг учдан икки қисмидан ортиги бакалавр ва ундан юқори илмий даражага эга. Бундай ҳолатда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтиришнинг мантиси оддий: йиллар давомида давлат уларнинг таълимга инвестиция қиритган, энди бу ўзини оқлаши керак. Шундан келиб чиқиб, мамлакат ҳукумати аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатини юритмоқда.

Албатта, гендер тенглик мавзусига турли нуқтаи назардан қараш мумкин. Гарчи биз ҳозир бутун дунё учун



долзарб бўлиб турган иқтисодий ёндашувдан бошлаган бўлсак-да, бу масаланинг жамият учун ҳаётий муҳим томонлари жуда кўп. Шу жиҳатдан Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ун бешинчи япчи мажлисида маъқулланган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси, аввало, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ва равнақи томонидан кўйилган муҳим қадам бўлди.

Шуниси эътиборлики, Ўзбекистонда маъқулланган Гендер тенгликка эришиш стратегияси айнан парламент ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган биринчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу эса мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга айнан қонун чиқарувчи ҳокимият даражасида, қонунлар ижросини назорат қилувчи институт миқёсида алоҳида эътибор қаратилаётганидан, бу йўналишда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар реал воқеликни ўзгартираётганидан далолатдир.

Ҳужжатда гендер тенгликни таъминлашнинг асосий тамойиллари сифатида қонунийлик, демократия, очилиқчи ва ошқоралик санаб ўтилган. Шу билан бирга, ҳужжатнинг асл моҳияти шундаки, унда белгиланган муддатгача гендер тенгликка эришиш учун қандай йўналишда ишлаш ва қандай мақсадларга эришиш лозимлиги аниқ белгиланб берилган. Бу жуда муҳим. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳозирги кунда ҳар

бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг қузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси.

Шу ислохотлар самарасида Ўзбекистон илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди ва шу кўрсаткич бўйича ТОП-50 рўйхатидаги мамлакатлар сафидан жой олди (парламентдаги хотин-қизлар сони қарийб 32 фоизга етиб, дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди).

Бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улushi 27 фоизга етди (6 нафар аёл ҳоким, 1 нафари элчи этиб таъинланди). Бугунги кунда 81 та вазирлик ва идорада илгор, етакчи, биллимли аёллардан иборат 15 миңдан ортқ кадрлар заҳираси шакллантирилди. Хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, улар билан манзилли ишлаш мақсадида "Аёллар дафтери" жорий этилди. Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиши учун шартнома тўловларини қоплаб бериш амалиёти йўлга қўйилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 224 миңдан ортқ хотин-қизга жами 6,9 триллион сўм миқдориди имтиёзли кредит ажратилди.

Соҳадаги ислохотлар халқаро рейтинглардаги мамлакатимиз ўрнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Жаҳон банкнинг "Аёллар, бизнес ва қонун" индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер

тенглик бўйича аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 давлат қаторига киритилди ва 5 поғона юқорилаб, 190 та давлат орасидан 134-ўринни (2019 йилда 139-ўрин) эгаллади.

Бу йўналишда эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувида оид долзарб масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишдаги иштироки етарли эмас. Қолаверса, таълимнинг энг талаб кўп йўналиши — муҳандис-техник ва ҳуқуқшунослик соҳаларида аёллар улushi ҳамон кам (24 фоиз).

Ташқи ва ички миграциянинг гендер жиҳатлари, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва меҳнат мигрантларини ҳимоя қилиш механизмлари тўғрисида тарғиб-ташвиқот ишлари ҳам лозим даражада эмас. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ҳам асосан шу муаммоларни бартараф этиш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасида олдимизда турган вазифалар ижросига қаратилган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар мутахассислари иштирокида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат билан бир қаторда, уни амалга оширишга қаратилган 37 банддан иборат чора-тадбирлар дастури ҳамда баҳолашнинг 61 та мақсадли кўрсаткичи ишлаб чиқилди.

Жумладан, стратегияда хотин-қизларнинг давлат бошқаруви жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш назарда тутилмоқда. Алоҳида дастурлар асосида захирадаги хотин-қизларни тизимли ўқитиш орқали уларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиб бориш, сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайловларда номзод кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланганини мониторинг қилиш каби чоралар ҳам стратегиядан ўрин олган. Шунингдек, барча давлат органлари, ташкилотларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ва эркаклар, уларнинг эгаллаб турган лавозимлари тўғрисидаги маълумотларни ташкилотнинг расмий сайтига жойлаштириш амалиётини йўлга қўйиш ҳам жойларда гендер тенгликка эришишга хизмат қилади.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва фаоллигини қўллаб-қувватлаш стратегиянинг юртимиз тараққиётига дахлдор яна

бир жиҳати. Бунинг учун аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг молиявий ресурсларга, жумладан, кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш назарда тутилмоқда. Хотин-қизлар, айниқса, чекка ҳудуддаги аёллар бандлигини таъминлаш, турли ўқув муассасаларининг битирувчи қизларини касбга ва хорижий тилларга ўқитиш ҳам режалаштирилган. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, нотинч оилалардан бўлган иқтидорли қизларни аниқлаб, интеллектуал ва стартап лойиҳаларга жалб қилиш уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади.

Албатта, стратегиянинг қабул қилиниши бизга нима беради, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб аниқ. Стратегия амалга оширилиши натижасида аҳолининг деярли ярмини ташкил қилувчи хотин-қизлар фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш орқали иқтисодий тараққиёт янада жадаллаштишга эришилади. Қолаверса, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган 10 дан ортқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилади. Халқаро меҳнат ташкилотининг 5 та конвенциясини ратификация қилиш ҳам шулар жумласидан.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг улushi 30 фоиздан 50 фоизга, бошқарув лавозимларида ишловчи хотин-қизларнинг улushi 26 фоиздан 30 фоизга, судьялар орасида 12 фоиздан 30 фоизга оширишга эришилади. Бундан ташқари, барча давлат органларидаги хотин-қизлар ва эркаклар тўғрисида очик маълумотлар юритилиши таъминланади, гендер статистикаси ва гендер аудит юритиш тизими такомиллаштирилади. Мақсадли кўрсаткичларга ўз вақтида эришилишини таъминлаш мақсадида 2023 йилдан ҳар йили чора-тадбирлар дастури қабул қилиб борилади.

Албатта, мавзу долзарблиги жиҳатидан мазкур ҳужжат ва умуман, гендер тенглик масаласида узок сўз юритиш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатимиз учун тарихий аҳамият касб этган ушбу стратегияни рўёбга чиқариш ҳам изчил ва тизимли жараён эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг учун давлат ва жамиятнинг, айнан фуқаролик жамиятининг биргаликдаги саёй-ҳаракатлари талаб этилади. Бунда, айниқса, жамиятда ҳанузгача мумкин бўлган эски қолип тушунчалардан воз кечиш, хотин-қизларимизнинг, аввало, ўзларига бўлган муносабатларини ўзгартириш, қолаверса, уларда фуқаролик масъулиятини қучайтириш каби мақсадларга биргаликдаги ҳамкорлик орқали эришилади.

Пировардида бу ҳаракатлар юртимиз равнақини таъминлайди. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси эса бу йўлда дастуриламал бўлиб ҳизмат қилади.

ТАРАДДУД

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлари дунё ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар эътиборида



Маҳмуджон ЗИЁДУЛЛАЕВ,  
Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари

Мамлакатимизда илк бор ўтказилиши белгиланган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик ишлари дунё мамлакатлари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келяпти. Мазкур масала бўйича БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Аҳолишунослик жамғармаси, МДХ Давлатлараро Статистика қўмитаси каби бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан мустақкам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг таклиф ва тавсиялари инобатга олинмоқда.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚўЛЛАНМА БМТ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИНИНГ ВЕБ-САЙТИДА

Дунё мамлакатларига аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни режалаштириш ва уни ўтказишда ёрдам кўрсатиш мақсадида БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Европа иттифоқининг статистика хизмати ва бир қатор аъзо давлатлар иштирокида тайёрланган “Европа статистикалари конференциясининг 2020 йил раундида аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича тавсиялари” номли қўлланма БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг техник кўмаги асосида Давлат статистика қўмитаси мутахассислари томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунёда 200 дан ортиқ давлат бўлиб, БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг расмий веб-сайтида мазкур қўлланманинг фақат инглиз, француз ва рус тилларидаги таққинлари (таржималари) жойлаштирилган, холос. Унинг илк мартаба ўзбек тилига таржима қилиниши ва БМТ Европа



ЮҚОРИ БАҲОГА МОС ТАРАДДУД

Мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш жараёнида халқаро ташкилотлар томонидан катта қизиқиш билан қўзғатиб борилмоқда. Жорий йилнинг 6-8 апрель кунлари ушбу тадбирга ҳозирлиқнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида МДХ Давлатлараро Статистика қўмитаси раиси Владимир Соколиннинг мамлакатимизга амалий ташрифи ҳам буни тасдиқлайди.

Ташриф давомида Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратида амалий семинар ташкил этилиб, унда маъсуллар ҳамда видеоконференция орқали ҳудудий статистика бошқармалари вакиллари иштирок этди. Учрашувда ҳорижий давлатларнинг статистика соҳасидаги тажрибалари, хусусан, демография статистикаси, аҳолини рўйхатга олиш тадбири ва COVID-19 пандемияси шароитида уни йўлга қўйиш тажрибаси хусусида фикр алмашилди.

Владимир Соколин Юқори Чирчиқ туманининг “Қорасув” ва “Гулистон” ҳамда Яшнобод туманининг “Ўқчи” ва “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, жойларда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирига қўрилаётган тайёргарлик жараёнларини юксак баҳолади. Маълумки, бу жараён мазкур ҳудуд билан бир қаторда Андижон вилоятининг Хўжаобод, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ўтказилади.

Маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссиялар томонидан туман ва шаҳардаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида мавжуд хонадонлар ва унда яшовчи аҳоли сони тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилди. Унинг мазмун-моҳияти ҳамда келгусида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга таъсири хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Давр нафаси

ф yuz.uznews

✈ yuz\_official

📷 yuz\_uz\_news

РЎЙХАТ ТУЗУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА МУҲИМ?

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўришининг энг муҳим босқичларидан бири, бу — шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг жойига чиқиб ўрганиш ва аҳоли сонига аниқлик киритган ҳолда, хонадонлар рўйхатини янгилаш ҳисобланади. Бу ишлар учун уй-жойлар рўйхатини тузувчилар (регистраторлар) фуқаролик-хуқуқий шаклдаги шартнома асосида вақтинча ишга жалб этилади. Шу мақсадда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилиши белгиланган ҳудудларда ҳудудий комиссиялар билан ҳамкорликда жами 175 нафар рўйхат тузувчи жойлардаги статистика, кадастр, уй-жой коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда маҳалла органлари ходимлари орасидан танлаб олинди, жорий йилнинг 28-30 апрель кунлари махсус дастур асосида ўқитилди ва танланма равишда маҳалла-ларга чиққан ҳолда амалий кўникмалари оширилди.

Ўқитиш жараёнларида БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНПФА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари

иштирок этиб, регистраторларга уй-жойлар рўйхатини тузиш жараёнларида эътибор берилиши лозим бўлган муҳим масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берди.

Улар жорий йилнинг май ойи давомида фаолият юритиб, ўзларига бириктирилган участкадаги уй-жойлар ва уларда яшовчи аҳоли сонини ҳақиқий ҳолат билан бирма-бир солиштириб чиқди. Йиғилган маълумотлар синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини тузишда аҳборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Яъни улар асосида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири учун зарур бўладиган аҳолини рўйхатга олиш, инфраструктурлик ва ҳисоб участкалар ҳамда уларга жалб этиладиган ходимлар сони шакллантирилади. Шунингдек, тадбирни ташкил этиш учун зарур бўладиган жиҳозлар ва товар моддий бойликлар миқдори ҳам аниқлик киритилади. Бу эса, ўз навбатида, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

СИНОВ ТАРИҚАСИДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НИМА УЧУН ЗАРУР?

Шу ўринда табиий савол туғилади. Ҳўш, синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш нима учун зарур? Бу тадбир 2023 йилда умумдавлат миқёсида ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик қўришининг асосий босқичи ҳисобланади. Бу жараёнда аҳолини рўйхатга олишга доир меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, рўйхатга олиш дастури, саволнома, бирламчи маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш бўйича аҳборот тизими амалий синовдан ўтказилади. Унда қанча кўп респондентлар (аҳоли) иштирок этса, кўпроқ камчиликларни аниқлаш ва

тузатиш имкони туғилади, пировардида мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбири сифатли ва самарали ўтказилиши таъминланади.

Тадбирни сифатли ва халқаро талабларга мос равишда ўтказиш мақсадида тўртта ҳудудда ҳам аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ташкил этилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, унга вақтинча жалб этиладиган ходимларнинг жами сони 2503 нафарни ташкил этган ҳолда, уларнинг фаолият юритиш мuddатлари 20 дан 90 кунгача бўлган вақтни қамраб олади.

ЖАРАЁН ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш тадбири қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-5 ноябрь кунлари интернет тармоғи орқали аҳоли рўйхатга олинади (бунда яратилган махсус дастур орқали синов ҳудудида рўйхатда турувчи исталган фуқаро ўзи мустақил равишда рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади);

6-10 ноябрь кунлари интернет тармоғи орқали қайддан ўтган респондентлар ва уларнинг уй манзиллари рўйхати шакллантирилади;

11-22 ноябрь кунлари рўйхатга олувчи ходимлар уйма-уй юрган ҳолда аҳолини рўйхатга олади;

23-25 ноябрь кунлари ҳар бир ҳисоб участкасидаги уй-жойлар манзилларининг 10 фоизи танланма равишда назорат қўзғатиш асосида қайта ўрганилади.

Мазкур жараёнда агар респондент (аҳоли) яшаб турган хонадонида (жойида) рўйхатдан ўтишни истамаса, стационар участкага ташриф буюрган ҳолда, рўйхатдан ўтиши учун имконият

яратилади. Улар томонидан тақдим этилган маълумотлар ўзларининг рухсатисиз ошкор этилмайди ва махфийлиги кафолатланади.

Шу ўринда қизиқ бир факт. Америка Қўшма Штатларида аҳолини рўйхатга олиш давомида тўпланган респондентларнинг (фуқароларнинг) шахсга доир маълумотлари 72 йил ўтгандан сўнг оммага эълон қилинади. Бунинг муҳим жиҳати шундаки, келажак авлодлар ўз аجدолари қандай яшаганликлари ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлади. Мамлакатимизда ҳам аҳолини рўйхатга олишда тўпланган шахсга доир маълумотларни маълум бир мuddатдан сўнг эълон қилиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш натижалари бўйича маълумотлар таҳлил қилиниб, унинг ташкилий режаси, рўйхатга ўтказиш усуллари, дастури ва саволномалари ҳамда бирламчи маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш бўйича аҳборот тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

ИННОВАЦИЯ

ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР ҚУВВАТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бундан уч-тўрт йил олдин чекка қишлоқларда электр таъминотида тез-тез узилишлар бўларди. Кейинги йилларда тоғли қишлоқларда ҳам чироқ ўчмайдиган бўлди. Бунга шунчаки эришилмади, тизим тубдан модернизация қилинди.



САМАРАЛИ, ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятининг “Талимаржон ИЭС” унитар корхонасида янги инвестиция лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

— Янги лойиҳанинг умумий қиймати 944,87 миллион АҚШ долларига тенг, — дейди “Талимаржон ИЭС” УК бош директори Олим Юсупов. — Айни пайтда Осиё тараққиёт банкнинг талабларига мувофиқ халқаро тендер савдолари ўтказилмоқда. Унда 6 компания тендер таклифлари билдирган. 4- ва 5-блоклар ишга туширилгач, станциянинг умумий ишлаб чиқариш қуввати камида 2600 МВт.ни ташкил қилади. Шунда йилгига қўшимча 7,2 миллиард кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Янги, замонавий ва энергия самарадор ускуналарнинг ишга туширилиши натижасида йилгига 520 миллион метр куб табиий газ иқтисод қилинади, 120 иш ўрни яратилади.

Айни пайтда станцияда учта энергия блок

мавжуд. Ўрнатилган ишлаб чиқариш қуввати 1700 МВт. соатни ташкил қилади.

800 МВт. қувватли энергия блок 2004 йил ноябрда ишга туширилган. Бу ерда 1 кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун 313,58 грамм шартли ёқилғи сарфланади. Жанубий Кореянинг “Hyundai Engineering and Construction” ва “Daewoo International Corporation” компаниялари консорциуми томонидан қуриб фойдаланишга топширилган 2- ва 3-буғ-газ қурилмаларида эса бу кўрсаткич 220-221 граммни ташкил этмоқда.

Ҳар бирининг қуввати 450 МВт.га эга бўлган 2- ва 3-сонли буғ-газ қурилмалари 2017 йил февралдан бошлаб тўлиқ қувватда электр энергияси ишлаб чиқаришни бошлади.

Ушбу энергия блокларнинг ишга туширилиши билан станциянинг электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича йиллик қуввати 7,2 миллиард кВт/соатга ошди. Шу тариқа ҳар йили истеъмолчиларга қарийб 11,4 миллиард кВт/соат электр энергияси етказиб бериш имкони пайдо бўлди. Йилгига табиатга чиқарилаётган зарарли газлар миқдори 3,1 мартага камайди, 124 янги иш ўрни пайдо бўлди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — ДАВР ТАЛАБИ

— “Иссиқлик электр станциялари” АЖнинг асосий вазифаси электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришни таъминлаш, юртимизнинг энергетик хавфсизлигига эришиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида мамлакатимизда юриллаётган энергетика сиёсатини амалга оширишдан иборат, — дейди “Иссиқлик электр станциялари” АЖ матбуот котиби Муҳаммаджон Бекмуҳаммадов. — Ўз навбатида, Президентимизнинг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарганини алоҳида қайд этиш зарур.

Шунингдек, бугунги кунда “Иссиқлик электр станциялари” АЖ фаолиятининг устувор йўналишларидан бири, бу — модернизация дастурларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчи қувватларни замонавий асбоб-ускуналар ва илгор технологиялар асосида, шу жумладан, ҳорижий инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишдан иборат.

2020 йилда юртимиздаги иссиқлик электр станциялари томонидан 60-75 миллиард кВт. соат

электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу миқдор 2015 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга кўпайганига қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг ривожига ва аҳоли эҳтиёжларининг ошишига тўғғайли 2030 йилга бориб электр энергияга бўлган талаб 2 баробарга ўсиши кутилляпти.

Қайд этиш керакки, электр энергияси асосан табиий газни ёқиб эвазига ҳосил қилинади. Газ ресурслари чекланган бугунги шароитда уни янада кўпроқ сарфлаш, тикланмайдиган табиий ресурсларнинг жуда катта миқдорини увор қилиш, яъни арзонга ёқиб дегани. Шунинг учун тизим корхоналарида энергия самарадор, ёқилғини тежовчи ускуналарни ўрнатиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бугун фаолият кўрсатаётган қувватларни энг замонавий технологиялар асосида модернизация қилиш ва янги энергия самарадор қувватларни ишга тушириш “Иссиқлик электр станциялари” АЖ олдида турган устувор вазифа ҳисобланади. Ушбу йўналишда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, маҳаллий банклар ва халқаро молия институтлари — ЕТТБ, ОТБ, Хитой банклари томонидан фаол равишда қўллаб-қувватланмоқда. Бугун бир қатор лойиҳалар “Йўл хариталари”да белгиланган мuddатлардан олдин амалга оширилмоқда.



“Яшил иқтисодиёт” доирасида юз бераётган ривожланишнинг янги босқичи стратегик вазифаларни жорий этишда замонавий, самарадор ва тежамкор технологияларни фаол қўллашни кун тартибига қўймоқда. Катта машаққат

ва ҳаражат эвазига ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини тежаш эса доим муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги

# МАЪРИФАТ қалбларни ножлайди

Хайриддинмурод АБУЛФАЙЗОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Давлатимиз раҳбари ҳар бир нутқда, вилоятларга ташрифи чоғида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини ошириш масаласига алоҳида урғу беради. Хусусан, шу йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, деди.

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, маънавият ва маърифат соҳасида ечимини кутаётган кўплаб масалалар ҳал этилмоқда. Юртдошларимиз, хусусан, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган кўплаб тадбир ва фестиваллар ўтказилляпти.

Жумладан, Республика Маънавият ва маърифат маркази “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Маънавият фестивали ўтказиб келиняпти. Ўтган йиллар давомида фестиваль доирасида ўндан ортқ лойиҳа ҳаётга таъбиқ этилди. Бу йил ҳам миллийлик ва замонавийликини муҳассам этган мазкур фестивални ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди.

Жорий йилги фестиваль доирасида ҳам ўндан ортқ лойиҳа тайёрланган. Шунингдек, юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида миллий ва тарихий кинолар намойиш қилинади. Жумладан, ёшларни ватанпарварлик ва теран мушоҳадага қорлайдиган “Маҳмудхўжа Бехбудий”, “Исоқхон Иброт”, “Ота уй”, “Элпарвар”, “Берлин — Оққўрғон”, “Исик нон” каби йигирмага яқин кинофильм томошабинларга тақдим этилади.



“Маърифат тур” лойиҳаси доирасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун юртимиздаги тарихий обидалар, қадимжолар, диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштирилади. Маънавият фестивали доирасида бу йил илк бор мақом кечалари ўтказилади.

Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Буюк истеъдод ва улкан қалб соҳиби” бадиий-муסיқий кечаси ҳам санъат орқали кўнглиларга маърифат улашишдек маънавий аҳамиятига кўра мазкур фестивалга алоқадор.

Президентимизнинг “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан, таниқли санъаткор хотирасини абадийлаштиришга қаратилган кўплаб хайрли ишлар қилиняпти. Жумладан, хонанданинг сара кўшиқларидан иборат “Олтин коллেকция” дискининг тақдироти бўлиб ўтди.

— Давлатимиз раҳбарининг маданият ва санъат аҳлига қаратаётган юксак эътиборидан ниҳоятда мамнунмиз. Айниқса, кўплаб ўлмас кўшиқлар ижрочиси, соҳирнафас санъаткор Ботир Зокиров шахсияти ва ижодини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда абадийлаштириш борасидаги сазй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Мана шу эътибор тўғрисида халқимиз қарийб унутилаёзган буюк хонанда номини ёдга олди, кўшиқлари янграяпти, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова. — Ботир Зокиров сингари маҳоратли санъаткорлар ҳаётда кам бўлади. Уларнинг ижодини ўрганиш кейинги авлод учун катта дорилфунун вазиғасини ўтайди.

Ўзбек эстрадасининг жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллашди Ботир Зокировнинг ҳиссаси катта. Унинг ижоди замонавий ўзбек маданиятини кенг тарғиб этишга қаратилгани диққатга сазовор. Серқирра ижодкор сифатида у нафақат ўзбек эстрадаси, балки Шарқ эстрада санъатининг улкан намояндаларидан бири эканини кўрсата олди.

Бу жиҳатларни Тошкент фотосуратлар уйида ўтказилган “Маънавият фестивали” матбуот анжумани ҳамда “Буюк истеъдод ва улкан қалб соҳиби” бадиий-муסיқий кечасида иштирок этган маънавият, маданият ва санъат соҳаси ходимлари ҳам алоҳида қайд этиди.



Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ



Мадаминжон МАДАЗИМОВ,  
Андижон давлат тиббиёт  
институтини ректори,  
тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

билан ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бунда ёшларни илм ва касбга йўналтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий ҳолатини яхшилашга, маънавий-маърифий тарғибот ишларига эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда институтнинг моддий-техник базасидан унумли фойдаланган ҳолда, 315 нафар йигит-қизини спорт, 225 нафарини бадиий ижодкорлик тўғрисида, 135 нафарини инглиз тилини ўқиш, 450 нафарини компьютер саводхонлиги курсларига жалб этишга киришилди. Шунингдек, ўша маҳаллалардаги “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларда яшовчи 270 нафар ёшнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида турли танловлар ташкил этиш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишни тарғиб қилиш режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу вазифаларни бажариш учун институт жамоаси, талаба-ёшлардан



# ТИНЧЛИК – БАХТ, САЛОМАТЛИК – ТАХТ

Президентимиз юртимиз тинчлиги, халқимиз саломатлигини асраш энг муҳим вазифамиз эканини кўп таъкидлайди. Кейинги йилларда амалга оширилаётган барча сазй-ҳаракатлар ана шу улғувор мақсадга йўналтирилган. Тиббиёт тизими мутлақо янги тамойиллар асосида ислох қилинмоқда. Аҳоли саломатлигига масъуллиқ билрамчи вазифа сифатида белгиланди. Соҳада кадрлар тайёрлашга инновацияни ёндашув жорий этилди. Янги олий ўқув юртлиари очилди, қуйи ва ўрта бўғин мутахассисларига эътибор кучайди. Тиббиёт ходимларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натиғасида одамларда тиббиётга, соҳа ходимларига ишонч ортмоқда.

Тиббиёт тизимидаги ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Ҳар бир йўналиш алоҳида мавзу. Шу боис, биз биргина Андижон давлат тиббиёт институтини мисолида соҳага янгича ёндашувларнинг ҳаётини фидосини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Аввало, таълим тизимидаги ислохотлар самарасида институтимиз фаолияти, илмий салоҳияти 3-4 йил олдинги ҳолатидан тубдан фарқ қилишини қайд этиш жоиз. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, тиббиёт йўналишидаги ОТМларда ўқиш муддати 7 йилдан 6 йилга ўзгартirilгани, ўқув режалари мувофиқлаштирилиб, янги педагогик технологиялар жорий этилгани фикримиз далилидир.

## Институт ҳам катта маҳалла

Ислохотлар самарасида олий таълим муассасалари фаолиятида яна бир саҳифа очилмоқда. Бу юртга, маҳаллага, одамлар ҳаётига дахлдорлик туйғусидир. Президентимиз раислиғида 2021 йил 13 апрелда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар бандлиги масаласи таҳлил қилинар экан, ҳар бир олий ўқув юрти ён-атрофидаги маҳаллалар учун маънавият маркази, маданият ўчоғи бўлиши кераклиги, аммо ҳозирча бу борада ректорларнинг ўрни умуман сезилмаётгани таъкидланди.

Ўрнини танқиддан сўнг, биз ҳам режа тузиб олдик. Масалан, профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва юқори курс талабалари билан бирга институтимизга яқин жойлашган Қўшарик, Гўмбаз, Бунёдкор, Шифокор, Яхши, Хўтан ариқ, Янги турмуш, Саноат ва Намуна маҳаллалари йигит-қизлари, хусусан, уюшмаган ёшлар

иборат ишчи гуруҳ шакллантирилди. Мазкур гуруҳ эътиборга муҳтож ёшлар ҳақида маълумотлар базасини яратиш, жиноят содир этган ёки шунга мойиллиги бўлган ёшлар рўйхатини шакллантириш, уларга руҳий кўмак бериш, тиббиёт соҳасида ўрта махсус ёки олий маълумотга эга, лекин ишсиз юрган ёшлар бандлигини таъминлаш, 3 турдаги дафтарга кирганлар, ногиронлиги бор ёшлар ва бошқа аҳоли вакиллари учун бекуп тиббий кўриқлар ташкил этиш чораларини кўради.

Ташкил этиладиган “Китобхонлар клуби” маҳалла ёшларининг адабиётга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтиришга кўмаклашади.



Айни пайтда ёшларни биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, коронавирусга қарши курашиш, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш тарғиботи бўйича махсус курсларга, “Қувноқлар ва зўқоқлар” клуби ҳамда театр студиясига жалб қилиш, машғулот ва танловларда институт жамоаси билан биргаликда иштирок этишини таъминлаш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

## Энг муҳим тамойил

Бу амалий ишларимизда ҳам ўз аксини топиб келмоқда. Хусусан, амалиётчи шифокор ўқитувчиларимизнинг маҳаллаларга бориб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби жорий қилинган. Жумладан, февраль ойида Учқўрғон туманидаги маҳаллаларда 3 мингдан зиёд фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилди. Бу жараёнда 800 фуқарога амбулатор тавсиялар берилган бўлса, 18 беморда шошилиқ жароҳатли амалиёти ўтказилди. 54 беморга туман тиббиёт бirlашма-сига, 20 нафарига вилоят тиббиёт муассасаларига ва 10 беморга институт клиникасига даволаниш учун йўланма берилди. 6 бемор Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига даволаниш учун юборилди. “Темир дафтар”га киритилган 5 фуқарога ҳомилийк асосида ногиронлик аравачаси олиб берилди.

Бутун дунёда хали-ҳамон давом этаётган пандемия тиббиёт ходимлари, жумладан, институтимиз жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Бу синовли даврда вилоят юқумли касалликлар шифохонасида ушбу вирусга чалинган беморларни даволашда институтимиз мутахассислари ҳам иштирок этди. Шунингдек, касаллик тарқалишининг олдини олиш ва карантин тартиб-қоидаларини ташкил этишда фаоллик кўрсатди. Фуқароларни тиббиёт янгиликлари билан мунотазам таништириб бориш мақсадида Избоскан, Асака, Қўрғонтепа, Марҳамат, Улуғнор туманлари билан телетиббиёт алоқаси йўлга қўйилди, 40 нафар профессор-ўқитувчи “Онлайн маслаҳат” гу-

ридан масофавий машғулотлар олиб берилмоқда. Бу мактабларга институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 12 та компьютер, 11 та кодоскоп, телевизор, стол-стуллар жамланмаса, доска, жавон ва бадиий китоблар, ўқув-услубий адабиётлар тақдим этилди.

## Халқаро ҳамкорлик таълим сифатини оширишга хизмат қилади

Мамлакатимиздаги аксарият олий ўқув юртлиари каби Андижон давлат тиббиёт институтини ҳам жаҳоннинг етакчи ОТМлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Чунончи, институт Европа, Осиё ва МДХ мамлакатларидаги 48 та нуфузли олийгоҳ билан ҳамкорлик шартномалари имзолаган. Ушбу давлатларнинг барчасида институтимизни тамомлаганлик тўғрисидаги диплом тан олинади. Талабаларимиз ҳамкор ОТМ ва тиббиёт муассасаларида шартнома асосида ўқиш, илмий тадқиқот олиб бориш ва ишлаш имкониятига эга.

Институтимиз Россия ва Германиянинг етакчи тиббиёт университетлари билан талабалар алмашишни йўлга қўйган. Яқинда Жанубий Корея Миллий транспорт университети (KNUT) билан “Пара-медицина” йўналишида қўшма факультет очишга келишиб олди. Факультет 2022-2023 ўқув йилидан фаолият бошлайди.

Жанубий Корея, Россия, Беларусь, Украина, Германия, Словакия, Португалия, Эрон каби давлатларнинг ОТМ ва тиббиёт марказларидан жалб этилган малакали мутахассислар томонидан талабалар учун маърузалар, семинарлар ва беморлар кўриқлари ташкил этиб келинмоқда. Хорижий олий таълим муассасалари ва тиббиёт марказлари билан ўтказиладиган масофавий таълимга эътибор кучайтирилди. Шу билан бирга, академик мобиллик дастури асосида институт профессор-ўқитувчилари хорижий давлатларнинг нуфузли тиббиёт марказларида малака ошириб, тажриба алмашмоқда. Талабаларимизнинг нуфузли хорижий ОТМларда таълим олиб келиши, чет эллик талабалар билан ўзаро назарий ва амалий тажриба алмашиши йўлга қўйилди.

Институт ўқув жараёнига хорижий давлатлардан жалб этилган 4 нафар ўқитувчи томонидан талабалар, магистрлар ва клиник ординаторлар учун дарслар, маъруза ва амалий машғулотлар олиб берилмоқда. Институтда 20 нафар Жанубий Корея, 21 нафар Россия, 9 нафар Ҳиндистон, 141 нафар Покистон, шунингдек, Бангладеш, Непал, Қирғизистон, Қозғистон ва Афғонистондан келган жами 200 дан зиёд чет эллик талаба таҳсил олмақда.

Албатта, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп, режалар бисёр. Барчаси босқичма-босқич амалга оширилади. Президентимиз томонидан биз, тиббиёт ходимлари олдида қўйилаётган вазифалар ижроси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1904.  
78817 нусхада босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гулчиҳра Дурдиева  
Мусаххих: Асолат Шербекова  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 01:00 Тошпирилди — 02:20